

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

СИЗГА ҲУРМАТ, СИЗГА ТАЪЗИМ АЗИЗ УСТОЗЛАР!



А. МАВЛОНОВ туширган сурат

Ўқитувчилик аслида осон иш эмас. Бус-бутунича меҳнат, меҳнат ва яна устига устак машаққату заҳмат... Лекин яна бус-бутунича қувонч, фахр ва ифтихор ҳам. Мен шундай фикрдаман. Бунинг боиси бор албатта. Чунки менинг ўзим ўқитувчи бўлиб кам бўлмадим. Мен аввало ўқитувчилик баланд кадрланадиган оилада униб ўсдим. Ота-онамиз олти нафар қизидан бештасини ўқитувчиликка ўқитишди. Мен униб-ўсган қишлоқ, мен ўқиган мактабда ҳам ўқитувчи кадр-қиммати баланд тутилади. Умуман мустақил республикамизда ўқитувчи номи, меҳнати ҳурматда, эъзозда. Узоқга бормай биргина ўзим ҳақимда гапира қолай. Ҳозирда "Халқ маорифи аълоҳиси" унвонига сазовор бўлдим. Мени "Мебеллар тўплами" ва уй билан мукофотлашди. Севимли касбимдан топаётган қувончим, бахту омадларим учун азиз ўқитувчиларим, олийгоҳдаги домлаларим, азиз ота-онадан қарздорман...

Кўлга киритган муваффақиятларимда менинг мактабдошларим, синфдошларим ҳам шерикдирлар. Севимли мактабимизда ўқитувчилар байрами арафасида яқиндагина мактабдошлар учрашуви бўлиб ўтди. Биз ўша кун муаллимимиз Матлуба опа Эргашеванинг 50 йиллик юбилейларини нишонладик.

**Биз опа деб чақирар эдик,
Ўша гамжўр ўқитувчини.
Танафусда қолишар эдик,
Мактаб эди шодлик чамани...**

Бизнинг энг сеvimли муаллимимиз Матлуба опа тил ва адабиётдан дарс берардилар. Бизнинг ўзбек адабиётини севиб мутола қилишимиз, кўпчилигимиз тил ва адабиёт ўқитувчиси касбини танлашимизда устоз муаллимимиз-

нинг ибратли таъсири бор деган фикрдаман.

Дарс кетаяпти... Синф жим-жит. Ўқувчилар нигоҳи гўзал шеърларни шоирлардек ўқиб қалбимизни сеҳрлаган ёш ва чиройли ўқитувчида. Эсимда, айниқса Ҳ.Олимжоннинг "Семурғ ёки Паризод" эртагини катта маҳорат билан ўқиб берганлар. Ф. Фуломнинг "Кўкан" поэмаси, Ойбекнинг "Қутлуг қон" романи хуллас ҳамма шоир ва адибларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган адабиёт дарслари кўтаринки бир руҳда, қизиқарли қилиб олиб бориларди. А.Қодирий асари асосида телевизорда "Ўтган кунлар" фильми намойиш этилганда нақадар ҳаяжонланганимиз, ўқитувчимиз билан қўшилиб йиғлаганимизни унутиш мумкинми?

Биз ўша тантанали кечада яна бир бор болалигимизга қайтгандек бўлдик, бизга таълим берган, бизга ранжу заҳмат чекиб ҳаёт сабогини ўргатган барча ўқитувчиларимизни эсладик, улар шарафига дил изҳоримизни баён этдик.

Мен Матлуба опага ўхшаган меҳрли, эъзозли устозларни ҳаёт йўлида кейин ҳам учратганимдан бахтиёрман... Мен ҳозир ишлаётган мактабда О.Мухитдинова, Роза Жўрабоева, Турсуной Мираҳмедоваларни ҳам моҳир устозларим деб биламан. Устозларимиз борки, ҳаётимиз тўқис-туғал, олам мунаввар, таъзим-ташаққурларимиз бўлсин Сизга азиз устозлар!

Фароғат МАҲМУДОВА

Тошкентдаги 133-мактаб ўқитувчиси.

Суратда Сирдарё вилояти, Сайхунбод туманидаги
2-мактабнинг собиқ ўқувчилари муаллима Матлуба
Эргашева (ўртада) билан.

ЎЗБЕКИСТОН:

ЯНГИЛИКЛАР, ВОКЕАЛАР КЎЗГИДА

● Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Жанубий Кореяга ташриф буюрди.

Икки мамлакат Президентларининг тор доирадаги мулоқоти чоғида икки томонлама муносабатлар ҳамда халқаро микёсдаги масалалар хусусида фикр алмашилди. Президентлар XXI асрга қаратилган янги руҳдаги Декларацияни имзолади. Президент И. Каримов Корей ишбилармонлари билан уч-

рашди, ўзаро шерикликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилишди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Украина Президенти Леонид Кучма таклифига биноан 7-8 октябр кунлари Украинага расмий ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ва Украина Президенти Л. Кучма икки давлат ўртасидаги ҳам ўзаро, ҳам глобал микёсдаги стратегик ҳамкорлик ҳақидаги қўшма баёнот ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасида 1999-2000 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимга имзо чекдилар.

● Ўзбекистон Халқ демократик

партиясининг III қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига мазкур партия Марказий Кенгашининг биринчи котиби А. Жалоловнинг номзоди кўрсатилди.

● Алишер Навоий номидаги Давлат Академик катта театрида халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси ҳузурида ташкил этилган "Муножот" миллий мумтоз рақс ансамблининг тақдироти бўлиб ўтди. Ўзбекистон халқ артисти, таниқли раққос Кизлархон Дўстмухамедова бадиий раққар бўлган жамоага кўпгина иқтидорли ёшлар жалб этилган.

● Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг иккинчи

ЧОРШАНБАДАН - ЧОРШАНБАГАЧА

қурултойи бўлди. Делегатлар Ислам Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатдилар.

● Ўзбекистон "Ватан тараққиёти" партиясининг бешинчи қурултойи бўлиб ўтди. Делегатлар "Ватан тараққиёти" партиясидан Ислам Каримовни мамлакат Президентлигига номзод этиб кўрсатдилар.

● Германиядан хушхабар келди. Ўзбекистон фарзанди - машҳур боксчимиз Артур Григорьян АҚШлик Майкл Кларкни мағлуб этиб, тўққизинчи марта ўз вазнида дунёнинг энг кучли боксчиси деган юксак унвонга сазовор бўлди.

"АЛПОМИШ"НИ УРГАНАМИЗ

АЛПОМИШ

(Боши ўтган сонларда)

Мазмуни

Шу орада Алпомишнинг сингиси Қалдирғоч ойим қирқин қизлари билан келиб қолади. Мажлис асноси у сандиқни очиб кўрадики, хат ётибди. Олиб ўқиса, аҳвол шундоқ... Қалдирғоч дугоналарига: "Энди бек акама борайлик, бу хатни берайлик, қанча ғайрати бор экан, кўрайлик", деди.

Бу вақтда ўн тўрт ёшга тўлган Алпомиш маст бўлган нордай кўпчи сочиб, йигитлари билан жанг машқларини қилиб юрган эди. Сингисидан хатни олиб ўқиди: "Олтойчалик йўлга келдим. Алларга той-талашда қолдим, олти ой муҳлат олдим. Мендан умиди бўлса, Алпомиш келсин. Бўлмаса жавобимни берсин..."



Шунда Қалдирғочнинг сўзи:

- Ғамли одам тортар экан оху вой, Кашалда талашда қопти Барчиной... Мард йигитнинг ёри талаш бўлма, Эр йигитнинг ёрин душман олама? Келар депти, сендан умид қилибди, Инсоф қип бадбахтлар муҳлат берибди... Мухлат яқин қопти. Кечга қолмагин. Сарсон бўлиб бунда ўйлаб турмагин... Ажратиб олгин золим кўлидан, Хабар олгин мусофирлар ҳолидан, Жўна, ака, Боисун-Кўнгирот элидан...

Алпомиш ўз ўтовидан эгар-абзални, совут-қалқонни, ёв-яроғини олиб, бўғча қилиб кўтариб, Қўқмаши кўлига жўнади. У ерда отасининг йилқилари боқилар, йилқичи Қултой боши уни "ўғлим" деб атарди. Аммо Алпомишнинг ниятини пайкаган отаси Бойбўри кўл бўйига от елдириб бориб, Алпомишга от бермасликни Қултойга қаттиқ тайинлаб қайтган эдики, чол "ўғли"ни совуқ қабул қилди. "Йилқи бермайман", деб туриб олди. Жаҳли чиққан Алпомиш чолни кўтариб, осмонга отди. Кўринмай кетди.

Қултойнинг осмондан қайтиб тушаётгани:

Қултойкул осмондан тушиб келади, Тушиб келар экан, у шундай дейди: - Ерга тушиб Қултой бобонг ўлмасин, Йилқиларинг боз боқувсиз қолмасин. Ҳар не деб амр этсанг, ани қилайин, Жуда илдамидан ушлаб берайин... Бу сўзларни айтиб ҳаводан етди, Алпомиш Қултойни узалиб тутди...

Қултой оёғида туриб олиб, бир "хур-хайт" тортди, тўқсон тўқайдаги йилқи йиғилиб, қошига етди". Кейин у йилқиларга қўриқ ташлади. Уч марта ҳам қўриғи ёллари ипақдай эшилган бир чипор отнинг бўйини тушди.

Алпомиш: "Кўп нозик мол учради", деб турганида Қултой тушунтирди: "Бу тарлон бияннинг боласи. Бундан тулпор чиқади. Насибанг шул экан..."

Шундан сўнг йилқичи Бойчиборни сошлаб эгарлаб берди. Алпомиш қилич-қалқонини тақиб, эгарга минди. Кейин Алпомиш бобосидан қолган ўша ўн тўрт ботмон биринчидан бўлган парли ёйни ҳам олиб эгар қошига қолди.

Чол дуо бериб, Қалдирғоч йиғлаб қолди. Алпомиш Қалмоқ юртига кетаётди: Мен кетарман ёрим излаб, Бу жароҳат бағрим тузлаб, Ёлғизман, бўтадай бўзлаб, Бобом Қултой, хуш қол энди... Бизман бирга ҳамдам бўлган, Бир эмчакни бирга эмган, Акам деб эргашиб юрган, Мунглик синглим, хуш қол энди...

(Давоми бор)

Сайёра ХОЛМИРЗАЕВА

"МАХФИЙ СОВҒА СИРИ"НИ БИЛГИМИЗ КЕЛАДИ

"Хоразм ҳақиқати" вилоят газетасининг 1998 йил 30 июн сониди "Саришта ва покиза хонадон" сарлавҳали бир мақола чоп этилганди. Унда Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасининг "Саришта ва покиза хонадон" кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолиб чиққан уч хонадон ҳақида хабар берилган ва биз ҳам уларнинг бири сифатида тилга олинганмиз.

Бу мақолада "Ғолибларга мукофотлар топширилди", деган ёлгон жумла ҳам қайд этилган. Бу жумлани эсласам ҳар гал ўртаниб кетаман. Биринчиликни олганимиз ҳақ, Тўғри, биз оилани мукофот ёки мақтов учун покиза ва саришта сақламаймиз-ку. Ахир бу қонимизга сингиб кетган кундалик юмушимиз. Зеро, қут-барақа покиза ва саришта хонадонда бўлар экан. Худога шукр ўзимизга тўқмиз. Майли, мукофот бўлмасин, аммо маҳалла идо-

расига бирон-бир маълумотнома учун бориб қолсак: "Қани мукофотни ювайлик, кейин справка бўлади", деб бошимиз балога қолади. Шунингдек, бу хабар Республика телевидениеси "Ахборот" кўрсатувида ҳам ибрат тариқасида курсатилган эди. Ҳақиқатан биз олтига ва кўрмаган ғолиблик мукофоти нима экан, ҳали ҳануз кутавериб тоқатимиз тоқ бўлди.

Наҳотки шунчалик "махфий"микан ушбу совға. Қўни-қўшни ва оқсоқоллар "совға келдимиз" деб сўрайверишлари энди ғашимизни келтирадиган бўлди. Шунинг учун мазкур кўрик-танловни ўтказиб, қўнимизни пуч ёнгоққа тўлдирган тегишли ташкилотларга бу "махфий совға" юзасидан бизни "махфий равишда" огоҳ этишларини кутиб қоламиз.

Ботир КАРИМОВ ва **Ровия она оиласи.**

БУГУНИМИЗ ВА ЭРТАМИЗ УЧУН МАСЪУЛМИЗ

Ховос тумани ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Рустамбек Турдиев туманда бугунги кунда олиб борилаётган ишлар ҳақида хикоя қилади:

Оллоҳ сизга Мустақилликни кўришни насиб этди. Бу гўё нондай, сувдай, ҳаводай муқаддас зарурият эди. Мустақиллик ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал қилиш имконини ҳам берди. Мустақиллик барқарор бўлиши, эл-юрт фаровон турмушга эришиши учун жон куйдириб, изланиб ҳаракат қилмоғимиз керак. Менинг, оиламнинг бахти ватаннинг бахти, бу ҳар биримизнинг ҳаётдаги ширимиз бўлиши керак. Ширкат ҳужалигида ишлаётган ҳар бир одам ҳам албатта, ўзи учунгина эмас, қолаверса халқ учун, Ватан тараққиёти учун ишлайди. Чин маънода ишни биладиган янги раҳбарларни, фермерларни қидириб топдик. Эҳтиёжларини қондирдик. Натижа чиндан ҳам ёмон бўлмади. Ўша йили Сирдарё вилотида галла режасини биринчи бўлиб ўринлатдик. 1997, 1998 йили галлани ҳам, пахта режасини ҳам ўринлатдик, 1998 йили 15 минг 395 тонна галла ҳосили кўтарилди. Пахтадан эса 17 минг тонна ҳосил кўтариб режамизни шараф билан бажардик. Бу йилги галла ҳам яхши бўлди. Ниятимизга эришдик. Шу кунларда зўр бериб пахтани йиғиштириш билан машғулмиз.

Мен учун ўзим бошқараётган туман Катта Хонадон. Биринчи галда мен туманим ҳақида бош қотираман. Халқнинг фаровонлиги эрта-кеч мени уйлатади. Шу маънода 1997 йили туманда 4 та кишлоқ врачлик пункти, 2 та янги мактаб биноси қурилди. 1998 йили эса 2 та кишлоқ врачлик пункти, 2 та мактаб биноси қурилди. Катта ўйингоҳ ҳам қуриб битирилди. Янги никоҳ уйини ҳам битирдик. Улар бугунги кунда фалият кўрсатаётди. "Пахтабанк"нинг янги ва чиройли биноси ишга тушди. Германия билан биргаликда нон ишлайдиган корхона ишга тушди. Сирдарё вилоятининг маркази Гулистонда бунёд этилган XX аср қурилишларини қуриб ҳам фахрланасан, ҳам ўзимнинг.

туманга солиштириб кўнглим чўқади. Чунки биз шундай бинолар қуришни амалга ошириб улгурмадик. Лекин ниятимиз бор. Бир нарсани эътироф этишим керак. Эларни ширкат усулида одамларга бўлиб бериш ўз самарасини берди. Одамлар, яъни деҳқонларда масъулият ҳисси кучайди. Ўз манфаатларини ҳам ўйлаб бошладилар. Чунки хонадоннинг манфаати борлиги уларни янги иштиёқларга ундади ва бу бизга ҳам қўл келди. Илгаригидай ортларидан юриб ҳар лаҳза ишга ундамайди-ган бўлди. Назаримда бу услуб халқни тезроқ бойишга олиб келади. Чунки биринчи галда ўз манфаати ҳам бор-да. Шу сабабдан бирор эҳтиёж билан қабулимга қирадиган одамлар дардини жон қулоғим билан тинглашга одатланганман. Одам ўз ҳақида қайғуришаётганини, тинчлиги, ҳаловати, жон куйдиришаётгани сезганида ўзини бахтиёр ҳис этади. Айниқса бунда раҳбардан кўп нарсани кўташади. Бу йилги ёмғирчиликлар пахта экишни кечиктирди ва қайта экишга ҳам мажбур қилди. Бугунги ниятимиз оқ олтинимизни тезлик билан йиғиб териб давлатга топшириш. Бу йил худо хоҳлса Олий Мажлис депутатлигига сайлов ўтказилди. Халқимизнинг ишонган фарзандлари депутат бўлишди. Боз устига январ ойида Ўзбекистон Президентини сайланади. Масъулиятли тadbирлар биздан тушунтириш-тарғибот ишларини кучайтиришимизни талаб этади. Сайловларнинг уюшқоқлик, бирдамлик билан ўтказилишидан халқимиз ҳам, мамлакатимиз ҳам манфаатдордир. Сайловлар натижаси мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, ҳаётимизни барқарорлаштириш, келажагимизни фаровонлаштиришни таъминлайди, албатта.

Ў. ҲАКИМАЛИ ёзиб олди.

БИР ТОТЛИ СЎЗИНГ БИРЛА УЯЛТИРИНГ АСАЛНИ

Бу фоний дунёда ҳайратланмайдиган нараса йўқ. Ҳаммаси мўъжиза. Бировдан мўъжиза беринг, деб илтижо қилишнинг кераги йўқ. Негаки, пайғамбаримиз Муҳаммад Салоллоху алайҳи вассалам бундан ўн тўрт юз йил илгари айтибдурларки: "Бир бирингизга меҳрибон бўлинглар".

Ҳадиси шарифни варақласангиз, янги инсон бўлиб қоласиз. Унда битилган битиклар ҳар қандай инсонни онадан янги тугилгандай қилиб қўяди. Дилингни яйрайди. Яхши сўзлардан нанқоқлигингиз ором олади.

Аммо "Шеърят" деган бир кўҳна олам бор. Бу дунёга ҳар ким ҳам киравермайди. Толиби илм аҳлларининг, ошику-девона юракларнинг бўстонида бор. Бу юртда шундай сўзлар борки, уни ҳеч қандай нотик толиб айтолмайди. Оллоҳ берган неъматлар унда мужассамдир.

Кие боққан эдинг, умрим узайди, Агар боқмас эсанг, жоним тугайди. Наҳадар нафис, камёб жумлалар! Уни йўқотиб қўйишга илҳақ бўласиз. Илқингизга "мих"лаб олқингиз келади. Кўрмабди қуёш мен каби ошиқни жаҳонда, Кўрмайди гўзаллик чамани сенча гўзални.

Оҳ! деб юборасиз бу сўзларга. Қайси боғнинг булбулисан, деб сўрашингиз аён. "Бу бўстон ичра гул кўп, чаман кўп" деб эрдилар бобомиз Навоий. Қуёшни гувох этиб, ягона ошиқ бўлган дилга ким меҳр қўймайди, дерсиз. Асал-

дан ҳам ширин ёр мадҳини қуйламоқ фаросат ботида танҳолик эмасму.

Кўёш бўлмаса, осмон бўлурму? Эли хур бўлмаса даврон бўлурму? Юрак дид сўзлари бу. Қойил қолмасдан илҳожингиз йўқ.

Мен Чустий домланинг юрти-Чуст шаҳрида бўлдим. Унинг меҳри дарё одамлари билан суҳбатлашдим.

Домла Чустийга чушликларнинг меҳри жуда баланд экан. Қойил қолдим. Оддийгина чойхоначи Чустий домла шеърларидан Сизга дoston айтди. Роҳат қиласиз. Биргалашиб шеър ўқингиз келади.

Тикилдингму кўзимдан бошқа кўзга, Йўқса нечун кўзим нури камайди?

Мана сизга дил қулфини очадиган калит. Сизга дилдорингиз баргини очиб турибди, қўнчун кими.

Ардоқланг. Йўқса кимса мағлуб этур. Боғларида баҳор ўйнаб юрган Чуст шаҳрида албатта бўлинг. Бу юртнинг одамлари билан суҳбатлашинг. Чустий домла шеърлари келинлар тикадиган қийқларда, сочқиларда ўз аксини топган. Ошиқ йигитлар мактубларида Чустий газаллари ила жавоблар ёзилмишдир.

- Энди болам чуст дегани, туз дегани, - деб айтди чойхонада мириқиб ўтирган отахонлардан бири. - Тузсиз ҳаётнинг мазаси йўқ. Бу ҳикматли иборадан Чустийга таъзим айлагим келди. Рухингиз шод бўлсин, мўътабар инсон! - дейман.

Тўхтасин МИРЗАРАҲМАТОВ

Телевидениеда ёшлар ҳаётига бағишланган "Синфдош" деган бир ёқимтой кўрсатув бор. Бундан бир неча мuddат аввал "Синфдош" кўрсатуви Тошкент мактабларидан бирида олиб борилди. Унда юқори синф ўқувчилари билан китоб ўқиш масалалари атрофида суҳбат олиб борилди. Йяғига ота соқоли битиб қолган ҳирсдай-хирсдай йигитлар ҳам, кўрақлари ҳийлагина дўппайиб қолган, соқоллари қирқиб замонавий тарзда турмақлаб олган қизлар ҳам ҳеч нарсадан тортинмай, ўзларининг ҳақлигига зигирча шубҳа қилмай, журналистининг саволларига тетик-тетик жавоб беришарди. Лекин охири-оқибатда савол-жавоблардан маълум бўлдики, қизлардан битта-яримтасигина ахён-ахёнда қўлига китоб олиб тураркан, болалардан эса биронтаси ҳам бу яқин-ўртада китоб ўқиган эмас экан. Журналист бунинг сабабини сўради. Мен болаларнинг "ҳозир китоб қиммат, сотиб олишга кучими етавермайди", - деб жавоб беришларини кутган эдим. Йўқ, биронта бола бу гапни айтмади. Бунинг ўрнига улар бутунлай бошқа сабаб кўрсатишди: "Ҳозирги ёзувчилар бизга китоб ёзиб беришмапти. Ўқийдиган ҳеч вақо йўқ!"

Очигини айтганда, бунақа жавобни эшитиб хангманг бўлиб қолдим. Аввалига жавоб бераётган йигит ҳазиллашяпти деб ўйладим. Қарасам, унақа эмас-ҳеч ким кулаётгани йўқ, аксинча ҳаммалари бош иргаб, шу гапни маъқуллаб туришяпти. Кейин бирдан мени ваҳима босди-наҳотки, бугун-эрта мактабни битириб, катта ҳаёт йўлига қадам қўйишга чоғланаётган йигит-қизларнинг адабиёт ҳақидаги тасавурлари шу қадар ғариб бўлса? Албатта, битта мисолга қараб, Ўзбекистондаги ҳамма мактабда аҳвол шунақа деб ҳулоса чиқариб бўлмайди. Лекин... Яқинда "Синфдош"нинг яна бир кўрсатувини томоша қилишга тўғри келди. Бу гал эоминлик мактаб ўқувчиларининг ёғни таътили ҳақида гап кетди. Гап айлиниб, яна ёшларнинг китоб ўқиш масаласи тилга олинди. Шунда ўқувчи қизлардан бири "биз кутубхонага бормаймиз, чунки унда бизга керакли китоблар йўқ" деб вақ қўрсатди. Мен яна ҳайрон бўлдим- майли, қизимиз туман эмас, мактаб кутубхонасини назарда тутаётган бўлсин- наҳотки кутубхона номига эга бўлган зиё масканида ёшларга маъқул бўладиган, майли кўп эмас, ўн-ўн бештагина китоб бўлмаса?

Буни ўйлаб, ўйимнинг тағига етиб улгурмасидан яна бир воқеа содир бўлди- бу гал телевизорда интервью бераётган ёшгина эстрада хонандаси "қандай китоблар ўқиб турасиз?", деган саволга ўта бамайлихотирлик билан, ҳатто белансидан бир аллозда "умуман китоб ўқимайман", деб жавоб берди. Бу энди шунчаки бир мактаб ўқувчисининг эмас, бутун ҳаётини санъатга бағишлагга чоғланаётган одамнинг жавоби бўлди. Билмадим, бу "санъаткор" йигит чиндан ҳам китоб ўқимасмикан ёки олифтагар-

чилик қилиб, томошабинлар диққатини ўзига жалб қилмоқ-чун шундоқ жавоб бердимиз? Ҳар нима бўлганда ҳам айрим ёшларнинг китобга бунақа муносабати кишини ташвишлантирмай қўймайди. Биз мақоламизга "Китобсиз яшаш бўлмас..." деб сарлавҳа қўйдик. Тўғриси айтганда, китобсиз ҳам бемалол яшаб, умр ўтказса бўлаверади. Фақат бу қандай умр бўлади? Умрида бирорта ҳам китоб ўқимаган одам бугунги дунёда нима деган одам бўлади? Китоб ўқимаслик ҳаётда муқаррар тарзда чала мулалликка, маърифатсизликка, жоҳилликка олиб келади. Булар эса ўз наватига лоқайдликни, фикрсизликни, маънавий кашшоқликни туғдиради. Бу сифатлардан манкуртлик-кача ораси бир қадам, ҳолос. Шундай ҳолларда ўз-ўзимга "эй, биродар-ей, мунча куйинмасанг, бир тўп ёш-яланг китоб ўқимаса ўқимасми-да. Шунга ҳам ота ғури қозихонами? Улар ўқимаса ҳам, чаламулла бўлса ҳам бинойид ҳаёт кечирапти, ейдиганини еб, ичадиганини ичиб, машатини қилиб, гаштини суриб юрипти. Сенинг беҳудага қуйганин қоляпти, ҳолос, дегим келади-да, қўлимни ювиб, қўлтигимга уриб қўяқолсамми деган хаёлга бораман. Лекин бундай қилиб бўлмайди-да! Чунки бугунги кунда менинг китоб ўқимши, сенинг китоб ўқиминг, унинг китоб ўқиши, ҳаммамизнинг тафақуриминиз, маънавий дунёми шохсий иш бўлмай қолди-да! Биз бугунги кунда ҳар томонлама ривожланган, баркамол, фаровон жамият қуришни мақсад қилиб олганмиз. Ҳадемай улғулук бобода жонажон юртимиз Америкага етиб олса ажаб эмас. Балки бу сатрларни ўқиган айрим одамлар: "Нотавон кўнгилга кўтир жомашов. Америка қаёқда-ю, сиз қаёқда?" деб таъна қилишлари мумкин. Йўқ, биродарлар, таънага ҳрожат йўқ. Мен атайин шундай деб ёздим. Эътибор берган бўлсангиз, мен "Куч-қудрат"да деяётганим йўқ, "улғулук бобода" деяпман. Бу тушунчалар бир-бирини тўлдирадиган, бир-бирини тақоза қиладиган, бир-бирига қиришиб кетадиган тушунчалар, лекин шундоқ бўлсада улар айнан тенг, мутлақо бир-бирини тақорлайдиган тушунчалар эмас.

Ўзбекистонни ҳахонда энг олдинги марраларга олиб чиқиб унун бизда ҳамма имкониятлар бор, фақат улардан оқилона фойдаланмоқ керак. Яшаш таризимизни энг доно андозаларга мос тарзда янги-дан бичиб чиқсак, тақчилликни бутунлай қувиб

чиқарсак, савлатидан от ҳурқадиган, аслида эса жамиятта сариқ чақалик фойдаси тегмайдиган, ўз халқини менсимайдиган, ўз она тилини билмайдиган чаламулла амалдорларнинг бахридиган ўтсак, пора ва ўғирлик деган нарсаларнинг номини ўчирсак, ҳар бир ишимизда инсоф ва диёнат, адолат ва тўғрилиқ раҳнамо бўлса, одамлар ҳаром-ҳаришдан ҳазар қиладиган бўлса, ҳамма жойдан адоват ва ҳасад йўқолиб, одамлар ўртасида ўзаро меҳрибонлик, шафқат ва муруват қарор топса, ҳар бир одам ўз номусини ҳар нарсадан юқори қўрса, виждонини пок сақласа, лафзели, субутли бўлса... Мамлакатнинг улғу бўлмоғи учун бундан ортиқ яна нима керак? Фақат... Бу осон иш эмас. Холва деган билан оғиз чучимаиди. Уни бунёд қиладиганлар, яъни бугунги ёшлар баркамол ақл эгалари бўлмоқлари, юксак маданий савияга, теран маънавиятга эга бўлмоқлари керак. Бу сифатлар ҳам осмондан тушмайди. Ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Ҳар бир одам ақл-заковатини ўткирлаштириш учун, маданий савиясини юксалтириш учун бутун умри давомида бир дақиқа ҳам тиним билмай курашмоғи, меҳнат қилмоғи керак. Бундай меҳнат келажакка етиб боргандан кейин эмас, шу бугундан бошланмоғи зарур. Одамга ақлни пешламоққа, маънавий дунёни бойитмоққа имкон берадиган воситалар кўп. Шулардан энг самарадори, энг қўлайи, энг беминна-ти ва энг кам чикими китобдир. Фақат одам имтиҳон топириши учунгина, ёки ном чиқарга китоб ўқимаслиги керак. Китоб ҳар қандай одам учун нондай азиз бўлмоғи лозим.

Одам ҳар кунги бир лаҳза бўлса-да, китоб билан сирлашмоқни ўзи учун ҳаётий заруриятга айлантири-моғи зарур.

Афсуски, "Синфдош" кўрсатувидаги ёшларнинг жавобларида ва умуман, фар-сўзларида уларнинг яқин келажакда зиммаларига юкланажак буюк ва шарафли масъулиятни ҳис қилаётганларини унчалик сезмадим. Аксинча, уларнинг жавобларидаги адабиётга бепансидан муносабатда, ўзларининг маънавий дунёларини бойитишга лоқайдликларидан Шуўролар замонида кенг тарқалган бир мудиш касалнинг ҳали битиб кетмаган изларини кўргандек бўлдим. Бу- "Тайёр ошга бақовуллик" касали. Минг қатла шурки, у замонлар ўтиб кетди. Энди Ватан ўзимизники, унинг истиқболи ўзимизники, тақдиримиз ўзимизники.

Биз мустақил

бўлди, энди ҳамма ишлар ўз-ўзидан даранглаб кетаверди, ўз-ўзидан бахтиёр турмуш ҳам шаклланаверади, деб ўйлаш мутлақо хато. Мустақиллик шунақа нарсаси, унга кўз олайтирган кимсалар, уни ёлғик патирдек бўлакларга парчалаб, синдириб ташиб кетишга тайёр турган ёвуз кучлар бор. Бундай кучлар нафақат диний мутаассиб кучлардир- улар ўзимизнинг ичимизда ҳам бор. Нодонлик ва жоҳиллик, лоқайдлик ва мактанчоқлик, ҳаёт тамойилларини тўғри англабмаслик, худбинлик каби иллатлар ҳам олға боришга жиҳдий халақит берадиган ҳодисалардир. Бу фикримни далиллайдиган бир мисол келтирай. Биз сўнгги йилларда иқтисодий-ижтимоий ҳаётда бозор муносабатларига ўта бошладик, бироқ тафақуримининг торлиги ва маданий савиямининг пастлиги тудайли ҳамма вақт ҳам бугунги бозор муносабатларини, унинг анча тараққий этиб кетганини тўғри тасаввур қила олмадик. Натихада баъзи масалаларда адашиб қолдик. Бу адашиш, айниқса, адабиёт соҳасига катта зарар етказди. Қиш-лоқда ҳам, шаҳарда ҳам, "Ана тадбиркорлар замони келди, қани, китобингни йиғиштир болам, энг шимарил пул топшига кириш", деган гаплар айтиладиган бўлди. Айтиладиганига эмас, чиндан ҳам кўпчиликнинг адабиётга, китобга муносабати ўзгарди.

Баъзи одамларнинг назарида тадбиркор бўлмоқ учун киши ўз ишига пишиқ бўлса, юлдузини бенарвон урса, пул санашни яқши билса, кифоя. Эҳтимол, Отчопарда улугуржи харид қилиб, Эски Жўвада чакана сотадиган, хашаки тадбиркор шундай бўлса бордир. Бироқ биз бутун орт ҳўжалигини юритишга қодир бўлган, унинг бугунингига эмас, эртасини ҳам аниқ кўра биладиган, тадбиркорни топганини киссасига уриб, фақат ўз нафсини ўйлайдиган нокасани эмас, бутун мамлакатни бойитадиган, тўқлик, фаровонлик салтанатига олиб боришга қурби етадиган тадбиркорни айтаялғимиз. Бугун бизга ўзбекнинг Фордлари ва Рокфеллерлари, Дюпонлари ва Ротшиллдари керак. Улар ўз соҳасини жуда етук олим даражасида мукамал билишган. Улар бу билан чекланмай, маданий савияси ғоятда кенг, ҳар хил соҳалардаги билимлари ғоятда чуқур, даврининг энг пешқадам одамлари бўлишган. Табиийки, фақат шундай одамларгина, жаҳон миқёсларида фикрлайдиган янги одамларгина бизнинг юртимизни ривожланишининг катта йўлига олиб чиқа олади. Бундай сифатларни ўзлаштириб, ўстириб бориш учун китобга муносабат қилишдан, китоб билан бир умр-да дўстлашадиган ўзга чора йўқ. Шунинг учун азиз ота-оналар, бозорга чиқариб обдорган фарзандларинингизни яна қайтадан мактабга ҳайдашга ошикин. Ҳар ҳолда, ҳаётнинг ҳамма соҳаларида фақат билим орқалигина муваффақиятга эришиш мумкин.

Шу ўринда яна битта нозик масала устида бироз фикр юритишга тўғри келади. Биз матбуотда ҳам, радио ва телевидениеда ҳам ўзбек халқининг қадимий-

лиги, олис тарихи давомида жуда бой адабий-маданий мерос яратгани ҳақида кўп гапирамиз ва ҳақли равишда шу юртнинг фуқароси, шу халқнинг фарзанди, шу бой маданий мероснинг ворислари эканидан фахр қиламиз. Табиий савол туғилади-ана шу қонуний фахр туйғуси асосидагина биз, яъни бугунги одамлар, шу жумладан, бугунги ёшлар ҳам, ўзимизни том маънода маданиятга одам деб ҳисоблашимиз мумкинми? Менинг назаримда, бу саволга бемалол оғзимизни тўлдириб, "ҳа", деб жавоб беришимиз қийин бўлса керак. Чунки ҳаёт йўлларида фикри ғоятда чекланган, истиқбол ҳақида, эртанги кун тўғрисида ўйлаш ўқда турсин, оёғи остидан нарини қўролмайдиган, берсанг ейман, урсанг ўламан, деб яшайдиган, Алишер Навоийга ҳам, Абдулла Қодирийга ҳам, Соҳибқирон Темурга ҳам, Мирзо Улугбекка ҳам берафарқ, лоқайд қарайдиган одамлар ҳам учрайди. Бинобарин, маданий меросимиз ҳар қанча бой бўлгани билан, фақат шуни дастак қилиб олиб, бутун халқ ёлпасига ўз-ўзидан, автоматик тарзда маданийлашиб қолган деб айта олмаимиз. Тўғри, бой ва бетакор меросга эгамиз, лекин уни ҳар қанча мадҳ этганимиз, ҳар қанча оламга кўз-қўз қилганимиз билан бундан менинг, сенинг, унинг, қўйинчи ҳаммамизни маданий савиямиз ўз-ўзидан кўтариллиб қолмайди. Биз асрий меросимизни ҳам, бугун яратилаётган маданий-маънавий бойликларининг ҳам том маънодаги эгаларига айланмоғимиз керак. Қолаверса фақат бугина эмас, балки кўраи заманиннг ҳамма минтақаларида бутун инсоният томонидан яратилган маданий бойликлар, маънавий ҳазиналарини ҳам ўзлаштириб олмоғимиз жоиз. Бунинг эса фақат битта йўли бор, ҳар қайсимиз кучимизни аямай, вақтимизни қизганмай, бу бойликларни ўрганиб, улар тўғрисида фикр юритиб, баҳслашиб, моҳиятини англаб, уларни кўнгли мулкига

айлан-тирмоғимиз керак. Бу иш ҳашарлар йўли билан амалга ошмайди, мўъжиза рўй бериб бир юмалаб уларни ўзлаш-тирган одамга айлиниб қолиш мумкинмас.

Фақат узлуқсиз меҳнат билан, бутун умр давом этадиган машаққатли изланишлар билангина бунга эришиш мумкин. Шундангина бу бойликларнинг ички маъноси, моҳияти бизга аён бўлади, шундангина биз бекхёё гузалликлардан баҳраманд бўлиб, ўзгариб бораётганимизни, кўнглимиз юмшариб, ҳар хил қора доғлардан фориг бўлиб бораётганини, уларнинг ўрнини меҳр ва муҳаббат, муруват ва шафқат эгаллаб бораётганини ҳис қиламиз.

Ана шундангина, яъни инсоният яратган битмас-туганмас ҳазинани тўла бўлмаса ҳамки, лоқал имкон қадар ўзлаштириб, ўз мулкига айлантириб олгандан кейингина одам ўзини маданиятга деб ҳисобласа тўғри бўлади. Бу гапларнинг ҳаммасидан жуда оддий, лекин ҳамма вақт ҳам инобатда олинаврайдиган битта ҳулоса чиқади-юксак маданиятсиз, теран маънавиятсиз, ҳар томонлама пухта билимсиз, эркин ва юксак тафақурисиз ҳеч қанақа порлоқ келажак қуриб бўлмайди. Эй, менинг "Синфдош" кўрсатувида жамолани намойиш этган ёш дўстларим! Эй ўзига ҳаддан зиёд бино қўйган ёш хонанда дўстим! Умуман китоб устида кўз нури-ни тикиб ўтиришдан кўра, кўча чангитиб юришни, ошиқ ўйнаш, ёхуд кўча тепишни ёки бошқа қўнғилхўшлиқларни, кайф-сафони афзал қўрадиган, беш кунлик дунёда яйраб, ўйнаб қолиш керак, деган ақида билан ҳаёт кечирини бирдан-бир тўғри йўл деб ҳисобловчи ғоғилгина укаларим, сингилларим! Шунга яқши билиб қўйингки, сиз қай сабаб билан бўлсин-китобдан юз ўгириб, ўз ўзингизни бекхёё салтанатдан ҳайдаб, маънавий кашшоқликнинг, фикрий маҳдудликнинг, ҳақолат ва нодонликнинг совуқ эпкинлари, манхус елдирилари ҳукморан бўлган саҳрои биёбонга бадарга қиласиз. Шунга билинларки, китобдан, маърифатдан, маънавиятдан юз ўгириб, сизлар келажакнинг бунёдкор бўлишдек буюк бахтдан ўзингизни мосу-ву қиляпсиз. Умр шув этиб ўтиб кетади. Ҳаёт лаззатлари, кайф сафолари, айш-ишрат, машаат, ҳар қандай жозибали кўринмасин, улардан ҳар қанча ширин хотиралар қолмасин барбирин улар пешона-да янада ёмон қалбда - бадбуруш чандиклар, ажинлардан бошқа из қолдиришдан бошқага ярамайди. Шунинг учун фурсатни бой бермасдан ҳар-кат қилинган, елинг-югуринган, бойлик орттиринган, қўлнинг кирига эмас, ўзингиз билан мангу қолади-ган, сизга ҳеч қачон панд берайдиган, ҳаётингизга маъно ва маъзун бахш этадиган маънавий бой-лик орттиринг. Бунинг учун эса китоб билан умр-бод дўстлашмоқ, юзни маърифатга бурмоқ зарур.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" Республикама-зининг отахон газеталаридан бири. Халқ эътибори, меҳ-рини қозонган табарруқ, обрўли газета. Устозимиз-танкили адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов-нинг диққатингизга ҳавола этилаётган ушбу мақола-сини қисқартирилган ҳолда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг 38-39-сонидан қўйиб чоп эт-моқдамиз. Ишончимиз қомилки, мақола Сизни бе-фарқ қолдирмайди. Аслида ҳам китобдан афзалроқ, яқинроқ, дилкашроқ дўст борми, дунёда...



Озод Шарафиддинов


Мақтабни тамомлаб билим юртига ўқишга жойлашдим. Уйдан ота-онамдан оқ фотиҳа олиб чиқиб кетарканман, дадамни менга қарата қилган насиҳатлари бир умр юрагимга тамгадек босилди. "Қизим, мана катта бўлиб ўқишга кетаяпсан. Бирон гапинг чиқиб, ёмон отлиғ бўлсанг билиб кўй, мени сендек қизим йўқ. Уйга киргизмайман. Гапларимдан хафа бўлма, унутма, дадам шунчаки айтиб қўйди деб, ўз билганингни қилиб юрма", - дея насиҳат қиларди. Насиҳатларингни унутмайман, яхши қиз бўлиб юраман, - деб дадамга ваъда бериб ўқишга кетдим. Ҳаётимда юрган чоғларимда 18 ёшлигимда севги деган олов юрагимга кириб келди. Бир курсдошим мени севиб қолганини айтди. Унинг куйиб-ёниб юриши, ўзини Мажнун мисол тутиши шундоқ кўриниб турар эди. Мен эса унга рад жавобини бердим.

Чунки ваъда берганман ёмон қиз бўлмасликка. Хаёлимда севгимиз овоза бўлиб кетади-ю, дадам қўлоғига етади, у киши эса бунини сира-сира кечирмайди. Йигит эса ҳамон куйиб-ёнар, йўлимни поилар, дилини ёргиси келар, қорамни кўриб қолса, кўзини узолмас эди. Шу пайтларда у юрагини ёргиси, дардига шерик қилгиси келган бўлса ажаб эмас. Унинг севгиси бутун курсдошларимиз орасида овоза бўлди. Мен эса унга чурқ этмас, кўрсам кўрмасликка олиб ўтиб кетар эдим. Лекин унданда ўн чандон кўпроқ севиб қолганлигимни, куйиб-ёнишларимни, кечалари тунларни бедор ўтказиб, унинг номисиз нафас ололмаслигини билар эдим. Менга унинг ўта ширинсўзлиги, билимдонлиги дунёга теран кўз билан қараши, дид билан кийиниши, мен ҳақимдаги бирон сўз ҳам уни бефарқ қолдирмаслиги ёқар эди. Шундай бўлсада, унинг кейин минг афсус қиласиз лекин бу кунлар қайтмайди. Кўзингизни катта очинг, "ўйлаб кўринг", - дейишларига, ўзимнинг ҳам унинг ишқидан олов бўлиб ёнишларимга қарамай билим юртини тамомлаб қишлоққа қайтдим. Унинг севгиси жавобсиз, шенинг севгим эса минг афсуски армонли дардга айланди. Бунга ўзим дадамга берган ваъдам сабабчи бўлди. Мана ўқишни тамомлаб ишга ҳам жойлашдим. Ҳар куни ишдан қайтар эканман, уйдагилардан бир хил янгиликни эшитар эдим. "Қизим уйимизга совчилар келишяпти, нима дейми?" Синглим эса "куёв ундоқ экан, мундоқ экан", - дейишни кўймасди. Мен эса барибир ўша қалбимни эгаллаб олган севгилимни унутолмай қўйналардим. Фақатгина ўша йигитга турмушга чиқишим мумкинлигини уйдагиларга айтишдан ўзимни зўрга тиярдим. Шу тахлитда совчилар келиб кетишар, мен эса розилик бермас эдим. Юрагимга эса ҳамон ўша йигит ҳукрон эди. Уйимизга совчи юбораётган йигитлардан севгилимни эслатадиган бирор фазилатни учратмадим. Бирининг муомаласи ёқмас, бири дид билан кийинмас, ўзига эътибор бермас, хунук эди. Энди-энди ундан бир умр айрилганимни, ўзи айтганидек минг афсусда қолганимни англаб етаётгандим. Шундай кунларнинг бирида уйимизга келган совчиларнинг бирига дадам розилик бериб юбордилар. Мен тегмайман деб дод солганимдан сўнг дадам "Сен ўзи кимга тегасан?" Бор бўлмаса, эшикма-эшик юриб кўнглингдагини топиб тег", - дедилар. Ноилоҳ қолдим, йиғи овуноғим бўлди, ишдан келиб сал нарсадан баҳона қилиб йиғлайверар, аямни юрагини ҳам сиқиб юборар эдим. Шундай кунларнинг бирида ишдан қайтаётсам, мен билан унаштириб қўйилган йигит йўлимни тўсиб, ўша йигитман, гаплашгани келдим", - деди. Уни кўриб юрагим вайрон бўлди. Боболаримизнинг "Танлаб-танлаб тозисига учради", - деган мақоли ёдимга тушди. Бўлгуси турмуш ўртоғим ўта содда, армияни ҳисобга олмасак, қишлоқдан нарига чиқмаган, ўзига, кийинишига эътибор бермайдиган, муомалани ҳам билмайдиган йигит экан. Уни кўриб севгилимни эслаб додлаб юборай дедим. Мен уни севгисини хўрлаган эдим. Мана қайтар дунё деганларидек ўзим ҳам хўрланиб турибман. У билан гаплашмадим. Бир-икки сўздан кейин уйга кетиб қолдим. Уйга келиб жиниликни бошладим. Дод солиб йиғладим. Уни кўриб келдим, мен унақа йигитга тегмайман. Тўйни бўзиб юборинлар", - дея аямни ҳам сиқиб юбордим. "Юрагимда ҳукронлик қилатган севгилим қаерларда юрибсан. Дадам "Маҳалла кўйда гап-сўз бўлади", - деб минг додлашларимга қарамай тўйни ўтказди. Турмуш ўртоғимни олдида фақат жисим юради, мисли жонсиз кўйроч эдим. У билан бир ёстиқча бош кўяр эканман, биринчи учрашган кунимиздан ҳам кўпроқ кўнглим сови.

У билан ҳамфикр эмаслигимиз, теварак-атрофга, менга бефарқлиги, "Муҳаббатла ўтган кунлар" мақоладаги аёл таъкидлаганидек кечалари уни ухламай кутиб ўтирсам, хурсанд бўлмас, ухлаб қолсам хафа ҳам бўлмас, ниҳоятда совуқ одам эди. Бу эса мени умуман ҳаётдан кўнглимни совутиб юборди. Ундан умуман кўнглим совуган, бир кун ҳам у билан яшагим келмас эди. Бу ҳақда уйимиздагиларга айтиб, ажратиб олинглар, яшамайман десам, аям: "Қизим, маҳаллада ҳеч кимнинг қизи ажрашиб келган эмас, уят

бўлади. Чидагин яхши бўлиб қолади", - деб, мени совутиб уйга қайтариб юборар эди. Кунларим севгилимнинг хаёли, ширин хотира-ю, армонлари билан ўхшар эди. Шу орада биринчи фарзандимга ҳомиладор бўлиб касалхонага тушиб қолдим. Касалхона ҳовлисида юрар эканман, худди бўйи баста-ю, ора-

да келмайди, келса ҳам ухлагани ухлаган. Гапирсам ёмон кўради, гапирсам ўзи билиб қилади. Бу ҳол-аҳволни ота-онамга ҳасрат қилиб айтсам, аям: "Кучинг етганини қил, етмаганини қилма. Кўявер, бир кун қилади-да", - дейди. "Хафа бўлма, биз бормиз, нима каминг бўлса айтавер", - дейишди уйдагилар. Эрим неча кунлаб аямникида турсам ҳам овақтини пишириб ёлварди, келсам келдингми, сенсиз қийналдим демайди. Аксинча, бўлсанг ҳам, бўлмасанг ҳам менга барибир, дейди. Кетсанг катта кўча, дейишни кўймайди. Ахир у кимга ишонади-ҳеч кими бўлмас. Шу ўринда бир аёлни ёқтириб қолгандир, дейишингиз мумкин, йўқ ундай эмас. Ўта содда, болаларини жудаям яхши кўради, еру қўкка ишонмайди. Мени ҳам урмайди-сўкмайди, лекин пиҷоқсиз сўяди. Мен унинг руҳан яқин бўлишини истайман. Нима қилсамийкин деб, бошим қотган. Ахир у билан ажрашиб кета олмасам, 3 та фарзандим бўлса. Бу дунёда мени ушлаб турган нарсаси фарзандларим ота-онам ва ёлғизгина синглим. Агар кўча-қўйда шу ҳақда аёллар ўз ҳасратларини айтишса, мен ҳам оғиз очгудек бўлсам, "Сизни эрингиз ҳеч ҳам ундай эмас. Жуда яхши, ширин сўз, одам билан яхши салом-алиқ қилади", - дейишди. Мен эса уларга: "Ана шунақа, бизникилар кўча хандон, уй зиндон", деб қўя қоламан.



Фарзандларим катта бўлиб қолаяпти. Эр дегани турмуш камчилиқларига, ғамташвишларига шерик бўлмасам, нима қилай? Нима учун яшаёпман, деб баъзан ўйлаб қоламан. Қалбан ёлғизман. Ёлғизлик жонимга тегиб кетди. Кўчаларда бир-бири билан апоқчапоқ бўлиб юрган эр-хотинларни, қўни-қўшиларимни кўрсам, юрагим эзилиб кетади. Ахир гуноҳим нима, мен ҳам бир йигитни суйган ёри бўлишим мумкин эди-ку. Ҳаётим шундай давом этаверса, эндигина 28 ни қоралаган бўлсам, бундай яшашга қандай чидайман. Ажрашиб кетай десам, 3 нафар болаларимни кимнинг эътигага соламан, тақдирга тан берай десам, шоирни ушбу мисралари ёдимга тушади:

**Гул ҳам ўсар бир-бирига суйкалиб,
Сен на ёрсан, сен на тулсан эй ғариб.**

На ёрим бор, на ёрсизман, мен қалбан ёлғизман. Мен бу армонли, азобли дил изҳоримни анчадан буён газетага ёзишни ўйлардим, лекин ёзганим билан бирор нарсаси ўзгариб қолармики деб ўйлардим. "Муҳаббатла ўтган кунлар" дил изҳорини ўқидиму юрагимни туб-тубига чўкиб, лекин менга бир умр азоб бераётган туйғулариим сув юзига қалқиб чиққандек бўлди.

Азиз "Оила ва жамият" муштарийлари, азиз отахону, кўпни кўрган онахонлар, мен нима қилай, бундай яшаб жонимга тегиб кетди. Ҳаётда кимга суйнай, турмуши бузилган ёлғиз аёл тақдирига тан бериб мустақил бўлишга ҳаракат қилади. Мени эса турмуш ўртоғим бору, лекин том маънода ёлғизман. Дардларимга шерик бўлмасам, ёлғизлатиб қўйса, қалбан ёлғиз бўлсам, кимга суйнай, нима қилай, менга оқилона маслаҳат беринлар. Тақдирга тан бер дерсизлар, балки. Лекин ахир мен ҳам аёлман, бардошим ҳам тугаб бўлди. Балки менга таскин берадиган бирор сўз топа оларсизлар. Қариндош-уруғларини, акаю опаларини ва шахсан мен йўлга сола олман эримни балки йўлга соладиган бир маслаҳат берарсизлар, деган умид билан жавобларингизни кутиб қоламан...

бирон бир жиҳати билан дилмига ёқсаиди, деб ҳам ўйлаб қоламан. У эса ҳамон ўша-ўша, ҳеч нарсаси билан қизикмайди. Уйда 2-3 кунлаб бўлмасам ҳам билинмайди. Авваллари ота-онаси, опа-сингиллари борлиги учун уларга суйнардилар, улар турли бўлмағур гаплар билан унга салбий таъсир ўтказишарди. Шунинг учун менга совуқ муомалада бўлса керак, деб ўйлар эдим. Лекин ота-онаси оламдан ўтиб кетишди, опа-акалари ҳам ўз оилалари билан овора, ҳозир унинг суянадиган одами ёлғиз менман. Шундай бўлсада ўзгармади. Турмушдаги, рўзғордаги юмушларнинг барчаси менинг бўйнимда. Камчилиғи етишмовчиликларни сира ўйламайди.

У кам-бу кам, мана бунини бундоқ қилиш керак, деган фикрларимга, куйиб-ёнишларимга эътибор бермайди. Ахир оилада эр-хотин бир-бирига суйнаиб, аравани тенг тортиши керак-ку. Аёл бошим билан қайси бирини эплайман. Иш бўлса ишлайди, бўлмаса кечгача кўчадан келмайди, келса ҳам ухлагани ухлаган. Гапирсам ёмон кўради, гапирсам ўзи билиб қилади. Бу ҳол-аҳволни ота-онамга ҳасрат қилиб айтсам, аям: "Кучинг етганини қил, етмаганини қилма. Кўявер, бир кун қилади-да", - дейди. "Хафа бўлма, биз бормиз, нима каминг бўлса айтавер", - дейишди уйдагилар. Эрим неча кунлаб аямникида турсам ҳам овақтини пишириб ёлварди, келсам келдингми, сенсиз қийналдим демайди. Аксинча, бўлсанг ҳам, бўлмасанг ҳам менга барибир, дейди. Кетсанг катта кўча, дейишни кўймайди. Ахир у кимга ишонади-ҳеч кими бўлмас. Шу ўринда бир аёлни ёқтириб қолгандир, дейишингиз мумкин, йўқ ундай эмас. Ўта содда, болаларини жудаям яхши кўради, еру қўкка ишонмайди. Мени ҳам урмайди-сўкмайди, лекин пиҷоқсиз сўяди. Мен унинг руҳан яқин бўлишини истайман. Нима қилсамийкин деб, бошим қотган. Ахир у билан ажрашиб кета олмасам, 3 та фарзандим бўлса. Бу дунёда мени ушлаб турган нарсаси фарзандларим ота-онам ва ёлғизгина синглим. Агар кўча-қўйда шу ҳақда аёллар ўз ҳасратларини айтишса, мен ҳам оғиз очгудек бўлсам, "Сизни эрингиз ҳеч ҳам ундай эмас. Жуда яхши, ширин сўз, одам билан яхши салом-алиқ қилади", - дейишди. Мен эса уларга: "Ана шунақа, бизникилар кўча хандон, уй зиндон", деб қўя қоламан.

Фарзандларим катта бўлиб қолаяпти. Эр дегани турмуш камчилиқларига, ғамташвишларига шерик бўлмасам, нима қилай? Нима учун яшаёпман, деб баъзан ўйлаб қоламан. Қалбан ёлғизман. Ёлғизлик жонимга тегиб кетди. Кўчаларда бир-бири билан апоқчапоқ бўлиб юрган эр-хотинларни, қўни-қўшиларимни кўрсам, юрагим эзилиб кетади. Ахир гуноҳим нима, мен ҳам бир йигитни суйган ёри бўлишим мумкин эди-ку. Ҳаётим шундай давом этаверса, эндигина 28 ни қоралаган бўлсам, бундай яшашга қандай чидайман. Ажрашиб кетай десам, 3 нафар болаларимни кимнинг эътигага соламан, тақдирга тан берай десам, шоирни ушбу мисралари ёдимга тушади:

**Гул ҳам ўсар бир-бирига суйкалиб,
Сен на ёрсан, сен на тулсан эй ғариб.**

На ёрим бор, на ёрсизман, мен қалбан ёлғизман. Мен бу армонли, азобли дил изҳоримни анчадан буён газетага ёзишни ўйлардим, лекин ёзганим билан бирор нарсаси ўзгариб қолармики деб ўйлардим. "Муҳаббатла ўтган кунлар" дил изҳорини ўқидиму юрагимни туб-тубига чўкиб, лекин менга бир умр азоб бераётган туйғулариим сув юзига қалқиб чиққандек бўлди.

Азиз "Оила ва жамият" муштарийлари, азиз отахону, кўпни кўрган онахонлар, мен нима қилай, бундай яшаб жонимга тегиб кетди. Ҳаётда кимга суйнай, турмуши бузилган ёлғиз аёл тақдирига тан бериб мустақил бўлишга ҳаракат қилади. Мени эса турмуш ўртоғим бору, лекин том маънода ёлғизман. Дардларимга шерик бўлмасам, ёлғизлатиб қўйса, қалбан ёлғиз бўлсам, кимга суйнай, нима қилай, менга оқилона маслаҳат беринлар. Тақдирга тан бер дерсизлар, балки. Лекин ахир мен ҳам аёлман, бардошим ҳам тугаб бўлди. Балки менга таскин берадиган бирор сўз топа оларсизлар. Қариндош-уруғларини, акаю опаларини ва шахсан мен йўлга сола олман эримни балки йўлга соладиган бир маслаҳат берарсизлар, деган умид билан жавобларингизни кутиб қоламан...

ОЙДИН,
Анджон вилояти
Избоскан тумани.

ТАБРИКЛАР ВА ЭЪЛОНЛАР

Меҳрибон қизимиз ЛОЛА!
Сени таваллуд айёминг билан чин дилдан табриклаймиз. Яратган Эгамдан сенга узоқ умр тилаймиз. 18 ёшингдаги гўзаллик, нафосат сени ҳеч қачон тарк этмасин, деб оила аъзоларинг номидан
Тоҳиржон.

Жияним МИРРАҲИМ ТОШМУҲАММЕДОВ!
Сени туғилган кунинг билан табрик-лаб, Оллоҳдан соғлиқ тиламан.
Холанг Марҳамат.

Азиз онажонимиз ХУРСАНД ҲАЙДАРОВА!
Биз фарзандларингиз - сиз, муҳтарам волидамизни му-борак 50 ёшингиз билан кут-лаймиз. Оллоҳдан узоқ умр, соғлиқ тилаймиз. Бахтимизга доимо омон бўлинг!
Хурмат билан, ўғлингиз Илҳомжон, келиннгиз Ди-лоромжон, набирангиз Миржалолжон.
Чирокчи шаҳри Дам қишлоғи.

"Ўзбекракс" бир-лашмаси қошидаги "Муқаррама" болалар рақс студияси 14 дан 17 ёшгача бўлган ўғил-қизларни катта гуруҳ-ларга 3 йиллик бепул тахсил олиш учун так-лиф этади.
Манзилимиз: Мус-тақиллик майдони, 5. "Баҳор" концерт зали.
Тел: 139-46-10

Қиш ва куз фаслига мос чармдан ти-килган куртқа, плаш ва дубленкаларни "Қарачи Лиза Парментс" (Покистон) фирмаси арзонлаштирилган нархда сатади. Бичими - 40, 42, 44 ўлчамда бўлганлари 8000 минг сўм. Бичими - 46, 48, 52 ўлчамда бўлганлари 12 минг сўм ва ундан юқори нархларда.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Олой бозоридаги усти гумбазли марказий савдо растаси ичкари-сида.

ОТИНИНГ САДОҚАТИ

Пичани ўриб олинган яйлов-лардан бирида лўлиларнинг табори пайдо бўлиб қолди. Бу табор-дагиларнинг отлари жуда кўп экан. Кўй боқиб юрарканмиз кўпинча уларни анҳорга сугоришга олиб кетишаётганини кўриб, томоша қилиш учун эргашардик. Уларнинг орасидаги бир отни яхши кўрар-дим.
Унинг икки биқинида, пешона-си ва бўйлиларининг четида гала-ти оппоқ доғлари бор эди. Бу от ўтдан бошини кўтармайдиган, ўтлаб бўлиб мудраб ётадиган ано-ви отларга сираям ўхшамасди. У қандайдир маъюса ўхшаб кўри-нарди. Узун ёлларини шамолда ҳилпиратганча бошини баланд кўтариб, кимнидир кутаётган қизга ўхшаб уфқдан бошини кўтармас-дан тураверарди...
Шу ҳолати бир сулув кўринар-дики... Мен ҳам отга қараб тура-верайшдан эринмасдим. Назарим-да от кимнидир соғинарди-да. Бир оқшом лўли Данило бобонинг отни чўмилтираётганини кўрдик. От сувда ҳам мағрурлигича қилт этмасдан турарди. Чолнинг эрка-лашларига парво ҳам қилмасди. Кимдир "бу олақашангиз нега бунақа? Бошқа отларга ўхшаб ки-намайди, гижинглаб ўйнамайди ҳам?" - деб сўради.
Данило бобо бўлса нимчасининг чўнтагидан узун трубкасини олиб тамаки тутатаркан қулди:
- Э, бунинг тарихи узоқ. Бу мен-дан араз, арази йил ўтса ҳам тар-қамаяпти. У ўзининг эгасини, юр-тини соғинапти... Яна бунга анча азоб ҳам берганман-да. Илгари жуда шўх, ўйноқи эди, тундек қаро эди,- деди.
Таборимиз Қозоғистоннинг чўлларида ўтаётганида бунинг бир

уярда кўриб қолдим. Отларим кўп бўлгани билан бунақа сулувини энди кўришим... Хуллас уни кўлга кири-тишга онт ичдим. Тунлари уйқум қочиб кетарди. Эгасини толиб айт-ганидан ўн баравар кўп пул бери-шимни айтдим. У кўнмади. Аламим-дан нима қилишни билмасдим. Ём-ғир шаррос қуйиб турган тунда ўзим пайига тушган отни олиб қочдим-да, бир танишимниқига яшириб келдим. Шубҳа пайдо бўлмаслиги учун яна бир ойча ўша ерда яшадик. Эгаси изимдан келди. Мен унга табори-миздаги отларимизни кўрсатиб ол-ган бўлсам, "Ана толиб ол", - дедим. Отнинг эгаси тарвузи кўлтигидан тушганча қайтиб кетди.
- Сиз уни зулукдек қора эди, дея-писиз. Лекин унинг икки биқинида, бўйнидаги оппоқ доғлари-чи? У қачон пайдо бўлди?-сўради бола-лардан бири.
Данило бобо трубкасини мириқиб тортаркан, пихиллаб қуларди:
- Кейин, кейин пайдо бўлган. Ўзим пайдо қилганман буларни,- деди. Биз чувиллашиб ундан нима бўл-ганини сўрай бошладик.
- Аввал айтганимдек экан. Қалди-ргочни жуда севарди. Ўзим абжир, келишган йигит эди-да. Иккиси бир-бирига ўрганишганди. Ўшанда тўғри қилдимми, йўқми билмайман. Ҳануз ўйлайман. Аммо булар иш бўлганди. Мен ҳам айёрман. Эгаси Қалдирғоч-ни излашини, сездирмасдан табор-имизни кузатишини, ортимиздан таъбиқ этишини ҳам билардим. Шунинг учун ҳам отни кўлга киритгач, антиқа усул билан унинг биқинлари-га ишлов бердим. От чидади. Мен ҳар хил гиёҳлардан тери ва жунлар-ни бўяшда ишлатиладиган усулни қўладим. Буни бувим ўргатганди. Халигача ҳеч ким билмайди. Зарур бўлгандагина ўзим қўллардим. Яна

ўша ўтларни қуритдим, мой қўшдим. Кейин кўриб турганингиздек шакл-да отнинг терисига сурхаб, устидан латта билан боғлаб ташладим. Ора-дан бир ҳафта ўтгач ечиб олдим. Та-мом-вассалом. Бир марта эгасининг олдидан атайлаб мениб ўтдим. От бечора унга қараб интилар, мени ус-тидан улоқтиргудек бўларди. Лекин эгаси таймади. Ана шундай. Лекин биламанки, от ўз эгасини, қуюндек учиб юрган кенг далау даштларини соғинапти. Баъзан тунлари унинг мунглиқ кишнашидан уйғониб кета-ман,- деди хўрсиниб Данило бобо. - Ўзим ҳам отларни қаттиқ севганим учунми Қалдирғочга ачинаяман. Қилган ишимдан пушаймонман.
Орадан кўп ўтмай табор кўчиб кет-ди. Бир неча йиллардан сўнг лўли-ларнинг ўша табору яна қайтди. Шунда анча кексайиб қолган Дано-ла бобони яна учратдик. Қалди-ргочни сўради.
Чол қулди:- Бўлмади, ўша Қалди-ргочни олиб қочган жойдан ўтаётган-нида бечора кишнаб еру-қўкка сап-чийверди. Мен инсонман, тилсиз жо-ниворнинг бу қилигидан кўнглим бузилди. Айтишларича эгаси ҳали-ям уни изларкан. Бунинг эшитгач чидай олмадим. Қалдирғочни шарт-та етаклаб бориб, ҳамма гапни айт-дим. Унинг эгаси ҳам мард экан. Кечирди. Хурсанд бўлганидан мана шу бир жуфт отни совға қилди,- деди мамнунлик билан, ўт чимдиб юрган отларга ишора қилиб.
Бир гапни эшитиб бошқаларни билмадим, мен айниқса хурсанд бўлдим. Чунки тушларимда ҳеч ким-га бўйсунмасдан эгасини кутаётган мағрур, садоқатли Қалдирғочни кўрардим.
Агар Данило бобо отни эгасига бермаганида ҳам уларнинг бир куни учрашишларига, бир-бирини то-пишларига ишонардим.
Басира САЙИД АЛИ

"ДИЛОРОМ" ўқув маркази таклиф этади:
2 ойлик:
1. Компьютер билимлари
2. Замонавий бухгалтерия ҳисоби
3. Зардўзлик - бухороча
4. Тиқш-бичиш, моделлаштириш
5. Деллар устки кийимларини тиқш-бичиш, моделлаштириш.
3 ойлик:
1. Компьютерда бухгалтерия ҳисоби
2. Инглиз тили (бошловчилар ва давом этти-рувчилар учун).
3. Турк тили (бошловчилар ва давом эттирув-чилар учун)
Манзил: Абай кўчаси, 4 "А"-уй, 1-қават, 115-хона
Тел: 144-03-25; 125-19-15.
Мўлжал: "Алишер Навоий" метро бекати.

ФАРЗАНД ДОҒИ
Марсия
Кўзимнинг нури, қалбим сурури
ўғлим Камолиддин ёди

Фарзанд доғин кўрмасин ҳеч ким,
Болам деб фарёд чекмасин ҳеч ким.
Борлигим олиб кетдинг-ку болам,
Шодлигим кўмиб кетдинг-а болам.

Юрсанг кўчалар тўларди болам,
Кулсанг осмон ҳам қуларди болам.
Борлигим олиб кетдинг-ку болам,
Шодлигим кўмиб кетдинг-а болам.

Жўраларинг-ла юрсанг бўларди,
Ўғлинг тўйини кўрсанг бўларди.
Борлигим олиб кетдинг-ку болам,
Шодлигим кўмиб кетдинг-а болам.

Кўшиқ янграр кўп қабринг бошида
Ота, она сабру бардошида,
Борлигим олиб кетдинг-ку болам,
Шодлигим кўмиб кетдинг-а болам.

Фарзанд доғин кўрмасин ҳеч ким,
Болам деб фарёд чекмасин ҳеч ким.
Мажид ҲАСАНИЙ

ЮЛДУЗЛАР ТАҚДИРИГИЗДАН СЎЙЛАЙДИ

Халқимизнинг "юлдузи юлдузига тўғри келган" ибораси бежиз айтилма-ган. Юлдузлар инсон тақдирига таъсир қила олишини мунажжим-башоратчи-лар бир неча юз йиллик кузатишлари ва тажрибалари асосида исботлаб бе-ришган. Минг-миллионлаб тақдирлар ўрганилган, улар таҳлил этилиб умум-лаштирилган, хулосалар чиқарилган. Шу аснода ўзига хос "ишқий тольёномалар" яратилган. Уларни ўқиб ўзингиз ва умр йўлдошингизнинг саъиясига назар таш-ласангиз нега бунчалар аҳил эканлигин-гиз ёки нега ит-мушук бўлиб яшашин-гиз сири очилгандек бўлади. Бундай "тольёнома"лар ҳали турмуш қурмаган йигит-қизлар учун ҳаётда "компас" ва-зифасини ўташи ҳам мумкин. Зеро "фолга ишонма, фолсиз ҳам юрма" де-ганларидек, "тольёнома" кўнглингизга ўтиришасиз ёки сизнинг телингизга да нотўғридек туюلسа уни ўқимай қў-я қолинг, Одамларгина эмас, баъзан "то-льёнома"лар ҳам адашади.
Тарози юлдуз туркуми остида туғил-ганларга (23-сентябрдан 22 октябрга-ча) дрос "ишқий тольёнома"дан маъ-

лумот берарканмиз, уни шу зайл навба-ти билан давом эттираемиз.
АЁЛ-ТАРОЗИ
Мазкур бурж остида туғилган аёл ишқий кечинмалар, таассуротлар олами-да яшайди. Бу аёл учун ишқ ишрати бирламчи ҳаёт максади эмас. Унинг та-рози шайни доимо каловланиб туради. Иродали ва бакуват эркак уни ўзига бўйсундира ола-ди. Ва бу аёл унинг барча хоҳиш-истакларини кулоқ қоқмай бажарадиган жорияга айланади. Ва аксинча эркак иродаси бўш бўлса тарози аёл унинг жилловини қўлга ола биледи. Тарози-аёл факатгина чин дил-дан севилганидагина қалбини очади.
ЭРКАК-ТАРОЗИ
Тарози-эркакнинг бир палласида унинг ажойиб табияти, ҳалимлиги, бар-қарорликка, интилиши, атрофдагилар-га меҳр-муҳаббати жой олган бўлса, бо-шқасидан жилловлаб бўлмас ишқий май-ли ўран олган бўлади. Паллалар муво-занати таъминланганида у ўз эҳтирос-ларини тизгинлай олади. Худо кўрсат-

масин, ишқий майл жой олган палла оғирлик қилгудек бўлса, ақл учун тўрт тараф ҳам қибла бўлиб қолади. Ишқ кўзини кўр қилиб қўйган Тарози-эркак учун оила шаъни, хизмат обрўси бир пул бўлиб қолади. Бу уринишларда у факат ўзинигина ўйлагани боисидан тўлақонли уйғунликка эришилмайди.
Тарози эркак ўзи каби эҳтиросли аёл билангина тинч ва ҳавас қиладиган даража-да оила қуриши мумкин.
Тарози буржи остида ту-ғилган эркак ва аёллар Эғизаклар, Арс-лон, Қўй ва Қовға каби юлдуз туркуми остида туғилганлар билан бахтли ҳаёт кечиришлари мумкин.
Бузоқ, Тоғ эқисси, Қисқичбақа юлдуз туркумидагилар билан эса қурилган оилада илимилиқ муносабатлар ҳукм суради.
Балиқ туркуми остида туғилганлар билан қурилган оила эса узоққа бор-майди, узоқ давом этганда ҳам у тиним-сиз жанжаллар ва совуқ муносабатлар-дан иборат бўлади (истисно бўлиши ҳам мумкин).

Х х х
Ҳозирча мана шулар. Мазкур рунда бериладиган тольёномаларни синчи-лаб ўқиб, унга ўз муносабатингизни билдирсангиз нур устига аъло нур бўлур эди. Кейинги ойда, худо хоҳласа, Чаён юлдуз буржи остида туғилганларнинг "ишқий тольёнома"сидан хабардор бўласиз.
Ёшингиз турлича, имонингиз ҳам. Миллат ҳам ҳоз ўзбек, ҳок ҳинду, гуржи... Сиз туғилган чоғда бошингиз узра Чарақлаб тургандир Тарози буржи.
Тарози палласи турғайдир тўлиб, Унда гоҳ бахт, гоҳи маломат санги. Ўн саккиз минг олам бир палла бўлиб, Яримта кўнглига бўлмас посанги.
Ердан бош қўтармай, осмондан олис. Замин тавишшига шўнғингандирсиз. Меҳр кўрганида билмай не нолиш, Миннатдан шам каби тўнғингандирсиз.
Ёрилсан ҳам ёнмас ёлғиз ёғоч ҳеч. Тенгингизни топиб, бўлинг садаф-дур. Бош қўйгач бахт деган ёстиқча ҳар кеч Ул ошно юлдузлар сонсин сизга нур.
О. БЕГАЛИЕВ

Хатни ўқиб аъзойи баданим титраб кетди. Ҳеч ким кўрмадимикан, деган хавотирда атрофга разм солдим. Ҳамма болалар ўзи билан ўзи овера, биргина Азизнинг қандайдир ёқимли нигоҳи мени кузатарди. Кўзларимиз тўқнашди. Унинг кўзлари мафтунлик, муҳаббат ила порларди. Энди ўйласам мен хозиргача унута олмаётган ўша кўзлардаги ошиқлик мени ҳаётга қайтарган экан... Чунки энди мен шу пайтгача ҳаёлимни чулғаб олган ўлим ҳақида сираям ўйламас, ҳаётга бошқачароқ кўз билан қарай бошлагандим. Энди ҳар тонг ўрнимдан турибоқ мактабга ошиқардим. Гарчи беш-олти соатлик дарс мобайнида орқамдаги партада ўтирадиган Азизга лоақал бирон марта қараб қўйишга ҳам жазм этолмасам-да, уни кўз узоқмай ўтиришини ич-ичимдан ҳис қилар ва бу ҳолат менга жуда-жуда ёқарди.

Мактабни битиришимизга ҳам санокли кунлар қолган эди. Давлат имтиҳонларини топширардик. Бир куни Азиз ёнимга келиб, кўлимга бир қоғозни тутказди. Унда: "Умида, имтиҳондан кейин кетмай туринг (негадир Азиз энди сизлай бошлаган эди) илтимос, сизда гапим бор", деб ёзилганди.

Ўша куни имтиҳон тугагач, Азизнинг таклифи билан мана шу хиёбонга келдик. Айнан мана шу ўриндиқда ўтириб суҳбатлашганмиз. Ушанда Азиз ёнидан бир сурат чиқариб менга узатиб, "Танияпсизми?" - деб сўради.

- Вой менинг суратимни чиздингизми, раҳмат, аммо мен бу қадар гўзал эмасман.

- Сизга ёқдимми, ола қолинг. Чирой масаласига келсак, сиз аслида суратдагидан ҳам гўзалсиз, фақат буни ўзингиз сезмайсиз. Азизнинг менга махлиё бўлиб, гапирган гапидан уяли кетдим. Дарҳол гапни бошқа ёққа бурдим.

- Сир бўлмаса айтингчи, келажакда ким бўлмоқчисиз, сиздан яхшигина расом чиқаркан.

Азиз жилмайиб туриб жавоб берди:

- Эҳтимол сизнинг суратингизни чизиб юриш учун расом бўларман. Аммо дўхтирлик касбини эгаллаш ниятим ҳам бор. Агар дўхтир бўлсам, биринчи беморим сизнинг онангиз бўлади. Ушанда сиз доимо қувноқ юрасиз, тўғрими? Энди ўзингиздан эшитсак, қайси ўқишга бормоқчисиз?

Мен чуқур хўрсиниб, журналист бўлиш орзуим бор, аммо орзуимга фақат ҳаёлимда эришсам керак, дедим.

- Нега ундай дейсиз, - ажабланди Азиз.

- Чунки бунга оиламизда шароит йўқ. Бу йил ўқишга боролмасам керак. Отамни аҳволини айтмасам ҳам ўзингиз яхши биласиз. Оиламизга зарари тег-

са тегадик, фойдаси тегмайди. Рўзгорнинг бутун оғири шу пайтгача онамнинг бўйнида эди. Хозир соғлигини мазаси йўқ. Асаблари толиққанми, билмадим, тез-тез бошлари оғриб, ўринларидан туролмай ётиб қоладилар. Уйдаги ҳамма юмушлар - укамларга қараш, уларнинг ош-овқати, кир-чири, супур-сидири, томорқадаги ишлар асосан менинг зиммамда. Агар мен ҳам ўқийман, деб шахарга кетиб қолсам, онамнинг аҳволи нима кечади...

- Гапларимни бутун вужуди билан тинглаб ўтирган Азиз миясига келган фикрдан ўзи хурсанд бўлиб сўради:

- Умида, акангни уйлантирсаларингчи, уйларибга келин келгач, сенга ҳам энгил бўларди, бемалол ўқишга ҳам борардинг.

- Бу ҳақда онам ҳам кўп гапирдилар. Аммо акам кўз остига олган қизнинг ота-ониси бизнинг совчиларни қайтарди. Кеча тоғамлар қўшини кишлоқдаги Аваз ака деган кишининг қизига совчи бўлиб боришганди. Ониси келиб кўчамиздан суриштириб кетибди. Отаси ичувчи экан, эртага ўғил ҳам отасини изидан бормайди, деб ким қафолат беради. Йўқ, бундай оилага қиз бермаймиз, деб совчиларни қайтарибди. Буни эшитиб онам хафа бўлиб, ётиб қолдилар. Акам ҳам сиқилди. Эрталаб ўрнидан туриб: "Онамга яхшилаб қара, мен шахарга кетаялман, ишлаб пул топиб келаман, онамни даволатамиз", - деганча чиқиб кетди... Биласизми, Азиз, шундай пайтда бутун оиламизни изтиробга қўяётган отамни ота деб аташга ҳам тилим бормайди...

Ўша куни мен Азизга, қалбимдаги Азизимга юрагимдаги барча орзу-армонларимни тўкиб солган эдим.

Ушанда Азиз: "Умида, хафа бўлма, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Майли, онанг касал бўлса, бу йилча ёнларида бўл. Бир-икки йилдан кейин сени келин қилиб уйимизга олиб келаман. Ушанда сени ўқишга олиб кетаман. Агар мени яхши кўрсанг, йиғлама, дея кўз ёшларимни арта туриб маҳкам қучоғига олди. Бутун вужудим дағ-дағ титраб, ҳаяжондан энтика бошлади. Лекин негадир шу бағрни тарк этгим келмасди. Шунинг сизгандек Азиз ҳам маҳкамроқ қучарди. Умида сени жуда ҳам, жуда ҳам яхши кўраман дея шивирлади. Қанчалик истамасамда унинг қучоғидан отилиб чиқдим. Уятдан юзларим лов-лов ёнар, Азизнинг юзига қарамасдим. Лекин мен ушандаги бахтли ҳолатимни хозиргача эсламан. Умримда биринчи бор юрагимдаги барча оғриқларимни унутиб, бу дунёда мени деб ураётган яна бир юрак борлигини бутун борлигим билан ҳис қилиш бахтига муяссар бўлдим. Ўша юракнинг Умида, Умида дея ўртаниши менинг кўнглимни туб-тубида аллақачон сўлий бошлаган орзуларимни яна қайта қуртқат ёзишга туртки бўлган эди...

Мана ўшага ҳам уч йил бўлди. Хозир Азиз тиббиёт институтига ўқияпти. Мана шу уч йил бизнинг ўртамиздаги бир-биримизга бўлган муҳаббатимизни янада кучайтирди. Шу давр ичида бирон кун бўлмадики

мен Азизга бўлган муҳаббатим ҳақида кундалик дафтаримга ёзмаган ёки Азизнинг соғинчу эҳтиросларга тўла мактубини олмаган бўлсам...

Мана бундан ўн кун олдин Азиз ўқишдан таътилга чиқиб кишлоққа қайтди. Яна худди мана шу ўриндиқда учрашдик. Азиз чинакам йигит бўлиб, анча улғайган эди. Соғинчдан бир-биримизга анча тикилиб қолдик. Кўзларимдан оқаётган севинч ёшлари ўртадаги сукунатни бузилишига сабаб бўлди. Азиз: "Умида, сени қанчалик соғинганимни, сенинг дийдоринг насиб айлайдиган кунни қанчалик орзиқиб кутаётганимни билганингга эди. Ушанда мени йиғлаб эмас, мен яхши кўрган табассуминг билан кутиб олардинг," - дея юпатарди.

Ўша учрашувда Азиз "Умида, яқинда сени Тошкентга ўқишга олиб кетаман", - деб қолди. Мен ялт этиб унга қарадим. У эса, - лаётган экан. Кейин синглимни узатишмоқчи. Уйдагилар танлаганинг борми, деса, ...совчиларни кутавер.

Азизнинг хушхабарни мени ниҳоятда қувонтириб юборди. Худди ҳозирок бирга бўладигандек ҳаяжонлана бошладим. Ўша ҳаяжон, ўша энтиқиш, келинлик орзулари, ўқишим, келажаким ҳақидаги хаёлларим мана куни кечагача мени тарк этгани йўқ эди. Фақат кечагина майсадек ўсиб келаётган орзуларимни янчиб, йас-хашаққа айлантирган хабарни эшитдим.

Азизлар билан қўшни турадиган дугонанинг онаси уларнинг уйдан шу гапни топиб чиқибди: "Азизнинг отаси бизнинг оиламиз билан уда бўлиши кераклигини эшитгач, теля сочи тикка бўлибди. Тенг-тенги билан (Азизнинг отаси туманда катта ишда) ишлайди, уларнинг казо-казолар билан оилавий бордикелди қилишини ҳам эшитгандим" деганлар. Менинг тенгим Эргаш "пиёнистами". Бирга ишлайдиганларим ким билан куда бўлдинг, дейишса, анави бору кўчаларда ағанаб ётадиган, ўша билан дейманми. Бундай ис билмас кўнглингни орқанга улоқтириб ташла, ўғлим. Тумани олди қизларидан танла, олиб бераман. Агар сен хоҳласанг ҳоқим билан ҳам куда бўлишга қурбим етади".

Азиз бўлса: "Отаси учун қизи жавоб бермайди. Умида жудаям ақлли, яхши қиз. Мен унга кўнгли қўйганман. Ўлсам ҳам ундан бошқага уйланмайман. Бошқага уйлантирмоқчи бўлсаларинг уйдан бош олиб чиқиб кетаман", дебди.

Дугонам яна нималар деди, қолганини эшитмадим. Ўша пайтда қай аҳволга тушганимни сўз билан ифодалаш қийин. Бутун борлигим Азизимдан ажраб қолишдек қўрқувдан дағ-дағ титрар, яна қалбимнинг бир четида бутун оиламиз-

ни бахтсизлик ботқоғига ботираётган отамга нисбатан ички бир нафратми, ёки сохта обрў-эътиборга алмашиётган, хўрланган покиза муҳаббатнинг ингранишимни усиз нола қилар эди...

- Тун бўйи ўртадаги бокира севгим ҳаққи-ҳурмати мени Азизимдан ажратмаслигини Оллоҳдан илтижо қилиб сўраб тонг оттирдим.

Эрталаб кўча дарвозамиз охишта тақиллади. Секин бориб очдим. Не кўз билан кўрайки қаршимда Азиз турарди. Томоғимга бир нима тикилгандай бўлди. Зўрга ўзимни ушлаб, энди нимага келдингиз, деб юборибман. Мен ҳамма гапни эшитганимни Азиз дарҳол тушунди.

- Умида, - деди у. - Отамнинг гаплари бу менинг қарорим эмас. Мен сиздан ҳеч қачон воз кечмайман. Агар хоҳласанг юр, иккаламиз бирга кетамиз.

- Қочиб кетамизми?

- Бошқа илож йўқ. Мен отамни феълени биламан, айтганини қилади. Агар ҳозир ҳаракат қилмасам, кейин кеч бўлади. Мен келажакни ўйлаб, бирга бахтли бўлишимизни истаб шу қарорга келдим.

- Умида, ўйлаб кўр, тақдиримиз ҳал бўлаяпти. 2-3 кунда мен яна келаман.

Мен ҳозир ниҳоятда қаттиқ ўйлов-изтиробдаман. Икки йўл орасидаман. Азизим бу менинг бору-йўғим. Қалбимнинг эгаси. Усиз менга бу ҳаётнинг ҳеч қанчалик қиймати йўқ. Усиз ҳаёт мен учун ботқоққа ботиб кетаётган инсондек жонсарақликдан иборат. Ундан ажралиб онамдек бахтсиз бўлишни истамайман.

У билан бирга қочиб кетай деса, ҳар бир ёш қиз орзуси оппоқ келин қўйлақлар кийиб, қизлик ор-номуси, ҳурмат билан севган ёрининг хонадонига келин бўлиб узатилиб бориш... Наҳотки отам туфайли мана шу орзуларим армонга айланса. Кейин... Қочиб кетсам касал онамнинг аҳволи не кечади. У бу иснодни кўтара оқримакан. Укаларимнинг жавдирган кўзларига қандай қарайман. Шундай оқибатсизлик қилиб, жигарларимни юзига оёқ қўйиб кетишга менинг маънавий ҳаққим борми?

Мана, Умиданинг дил изҳори яқун топди. Унинг қалб оғриғи-аллақачон менинг вужудимни эгаллаб олган бу дард - энди менинг ҳам дардим эди. Кези келганда ўзгаларга ҳўяли бир маслаҳат бера олишинг мумкин, аммо "ўз" дардинга қолганда қийналар экансан. Мен Умидага сабртоқат қилишликни маслаҳат берган ҳолда, унинг қалб кечинмаларини сиз азиз муштарийларга етказиш орқали ёрдам бермоқликни бўйинимга олдим. Зеро, кўлдан кўён қочиб қутулмас, деганларидек, кўлдан кўп фикр чиқади. Сизлар Умидага нима маслаҳат берасизлар. Умида қандай йўл тутса, бу дунёда бахтли инсонлар сони яна биттага кўпаяди? Мактубларингизни кутиб қоламиз.

Оққа қўчирувчи: Нафиса АННАЕВА

ТАҚДИРИМ

ҚИЛ УСТИДА

ДИЛ ИЗХОРИ





СЕН БОРСАН

... Хар нарсани пинҳон тутдим, эвазига сени бировга бериб қўйдим...

Севаман деб сўзлашдан қўқдим, Бурро тилларин ҳам гунг бўлиб қолди. Юрагим истагин кўзимга ёздим Афсуски кўзларинг уқиб олмади.

Мен севгимни айтмай яшадим Юрагим соғинчдан зорланганда ҳам. Тунлари қон ютиб бедор йиғладим. Бўғзимга жон келиб тиралганда ҳам.

Иккимиз лол қолдик севги қошида, Мухаббат тиллари тилди тилимини. Пинҳона боқшдан кўзларим толди Ишқингла ярадор қилдинг дилимни

Бугун бирга эмасмиз жоним, Тўзиган сочиними ўзга ёр силар. Бир сўзга кул бўлиб қолдику таним Қўллик армонидан дилим ситилар.

Мухаббат адоси бўлайлик майли, Биладан, бугун сен ўзига ёрсан. Фақат бир нарсадан бахтлиман, чунки-Сен мен яшаётган дунёда борсан...

ЮРТИМДАН САЛОМ

Бугун эркин тонг отмоқда бу юртда, Енгил нафас олиб ботмоқда қуёш. Бугун юракларда орзулар, тўкин Уйимиз тўридир сенга эй, қардош, Оппоқ тонг, жонажон элимдан салом, Мустақил ўзбегим -тилимдан салом. Бугун бу ўлканинг тўйлари бутун, Халқи тўқ, эркиндир, омонлик бисёр. Бугун осмонда, учмас қора ўқ, Хар уйда тўй кезар ўлану ёр-ёр. Оппоқ тонг жонажон элимдан салом. Тўйлари кўп диёрим-дилимдан салом. Бугун қизларининг эғнида атлас, Йигитлар белидан ечилмас белбоғ. Бугун эркинлиги-буюклик эғиз Тинчлик гулларига тўлиқ дала боғ Оппоқ тонг, жонажон элимдан салом, Нияти қутлуг бу -дилимдан салом. Бугун Темурийлар қиличи қонмас, Она юрт тупрогин ўпади шодон. Бугун Улуғбекнинг боши кетмаган Уни юлдузлари сақлағай омон. Оппоқ тонг, юлдузли элимдан салом, Увайсий қони бор танимдан салом. Бугун бу диёрда ҳамма бахтиёр Боболар, момолар руҳи мададкор. Бугун оналару гўдаклар кулар. Ҳақ йўли қутлугдир, ҳақиқат синмас Оппоқ тонг болажон элимдан салом, Эгилмас, тўғри сўз тилимдан салом. Бугун бу юрт шоҳдир, гадомас зинҳор, Бошида Хумо қуши қанотин қоқар Бугун бу элимни ўзга юрт боқмас У бутун дунёни-жаҳонни боқар. Оппоқ тонг, жонажон элимдан салом, Қўлида эрки бор халқимдан салом. Бугун пахтазорлар янада кўркам Ипак қурт толани ўрайди мўлроқ Бугун қарамликда ўсган "шухрат"мас Эркин диёримнинг тупроғи зўррок, Пешонаси дурга тўла деҳқондан салом, Жаҳонда Узи-бек юртимдан салом.

Малика СУЛТОНОВА

МОРБОЗЛИК — НОЁБ КАСБ

Бобоназар Пардаев — Сурхондарё вилояти Шеробод туманидан. Касби — морбозлик. Айни дамда Шеробод шаҳри маданият уйида ишлайди. У ўз касби-кори ҳақида шундай ҳикоя қилади.

- Жуда кўп кишилар илон ўргатувчиларнинг ишига қизиқиб қарашади. Морбозчилик - цирк дастуримиздаги кўринишлардан биридир. Бу иш аввало бобо касб бўлгани учун, қолаверса халқимизнинг неча йилдан буён йўқотган қадриятларини мустақиллик тўғрисида эл-юртга қайтариб берилганини кўрсатишни ўз олдимизга ният қилиб қўйганмиз.

Морбозлик неча йиллик тарихга эга бўлган, аждодлардан қолиб келаётган муқаддас, авлодлар давом эттириши лозим бўлган касб. Кўп жойларда сафарларда бўламиз. Гоҳида томошабинлар: "Илонингизнинг захри олиб қўйилганми?" каби кўплаб саволлар беришади.

Киши организмни сўлак безларисиз тасаввур қилиш мушкул бўлганидек, илонларни ҳам заҳарсиз ҳолда тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун ҳам ҳар қандай морбоз ижро вақтида сезгир бўлишга ҳаракат қилади.

Касбимиз ҳам мураккаб, ҳам қизиқарли. Биз дастлаб ўйинни томошабинлар ўртасида турли хил фокуслар кўрсатиш билан бошлаймиз. Ўйин давомида одамларнинг диққатини ўзимизга жалб қилиб, улар билан очиқ мулоқот тарзига киришамиз. Илонлар ҳақидаги ота-

бобларимиздан қолиб келаётган ҳеч қайси китобда ёки матбуотда эълон қилинмаган, қизиқарли ва сирли маълумотларни айтамыз, аждодла-

монидан қўлга ўргатилиши, қолаверса табобатдаги ўрни жуда катта. Бу ҳақда бобокалонимиз Абу Али ибн Сино асарларида мукаммал баён қилиниб, унда илоннинг табобатдаги ўрни чуқур таҳлил қилиб берилган.


Мен доимо ўз гуруҳим билан жумҳуриятимиз бўйлаб, қолаверса мактаб ва маданият уйларида иш олиб бораман. Бу ўйинларда морбозликдан ташқари манипуляция, иллюзиядан фойдаланиб томошалар кўрсатишдан ташқари, йоғ ўйинлари, соғломлаштириш муолажалари, руҳий ва биотасвир орқали томошабинларни ухлатиш, яъни гипнозга туширган ҳолда қизиқарли ўйинлар кўрсатамиз.

Бобоназар Пардаев касби билан боғлиқ бўлгани босиб, тушда илонларни кўриш таъбири ҳақида маълумот берди.

Илонларни тушда кўрмоқ:

1. Дуру-гавҳар, бойлик даракчиси.
2. Илонни тушда учиб юрганлигини кўрсангиз сизга катта бойлик келаркан.
3. Илонни тушда олов ёки қизил шафак бўлиб учганлигини кўрсангиз - сизни барча гуноҳларингиз ўтимили бўлиб, жаннати бўласиз. Тоza, озода юриб, тўғри сўз бўлинг.
4. Тушингизда илон чақиб олса, қон чиқса яхшилик аломати. Қон чиқмасдан, чўчиб уйғонсангиз етти сўм садақа қилинг. Тушингиз яхшиликка йўйилсин.
5. Тушда илон билан гаплашсангиз, яқинда қазо қилган ақинларингизни уч кун зиёрат қилиб, дуои фотиҳа қилинг.

Ф. ТОҲИРОВА ёзиб олди.




римиз тажрибаларидан фойдаланиб, халқимизга турли хил илон ўйинларини кўрсатамиз.

Илон ўйинларида қизим Ферузахон (ёши 10да) ўзининг Ҳиндистон бўғма илонлари билан "Ўлим билан юзмаюз", Лобархон (ёши 5да) эса Ўрта Осиёнинг заҳарли кобра илонларини кўлларига, бўйинларига ўраган ҳолда "Ажал" ўйинларини кўрсатишади.

Морбозчиликнинг қадимги шакллариши даври узоқ асрларга бориб тақалади. Илонларнинг кишилар то-

ҚИЗЛАР, СИЗГА АЙТАР СИРЛИ СЎЗИМИЗ КЎП ҲАЛИ...

ОБУНА - 2000 ЙИЛ



Ўзбек йигитлари қизлардаги қай хислат-фазилатларни ёқтиришади, улар таъбиҳа қад-қомат гўзаллиги бирламчими, ё қалб гўзаллигими?

Йигит қалбини забт этишининг энг тўғри, энг мақбул йўли борми? Бор бўлса, қандай чора-тадбир қўлламоқ керак? Бу сирлардан воқиф бўлай десангиз. "Оила ва жамият"га обуна бўлинг... Севгилингизга қалб сирингизни ошкор этишни истасангиз уни ҳам "Оила ва жамият"га обуна бўлишга унданг... "Оила ва жамият" билан бирга садоқат қасрини бунёд этингиз!

Оила ва жамият

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар:
Бош муҳаррир — 133-28-20
Котибият — 34-86-91

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Манзил: Тошкент, Булок Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.35
Босишга топширилди - 21.15

ҲОМИЙ
«Матбуот тарқатувчи»
акциядорлик жамияти

ОБУНА ИНДЕКСИ - { яқка обуначилар учун 176
ташкilotлар учун 177
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0558
33625 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ.
Баҳоси эркин нарҳда.
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи — М. СОДИКОВ.